

БУХОРОДА ЁШЛИК, ГЎЗАЛЛИК, МАРДЛИК БАЙРАМИ

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqa
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 7-iyun, juma
№ 43 (15681)

«УНИВЕРСИАДА – 2013» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадрли ўғил-қизларим!

Мұхтарам устоз ва мураббийлар, ҳурматли меҳмонлар!

Бугун униб-үсіб, катта ният ва ишонч билан ҳаёт-га кириб келаётган сиз, азиз фарзандларимни Ўзбекистон ёшларининг ҳаётидаги улкан воқеа — ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами бўлмиш «Универсиада – 2013» ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ўлкамиздаги барча спорт мухлислари, миллионлаб ёшларимиз, бутун ҳалқимизнинг дикқат-эътиборини бугун ўзига тортаётган бу спорт байрамининг «Кўхна ва боқий Бухоро» деб ном олган табаррук заминда ўтказилаётгани ушбу тантанага алоҳида маъно-мазмун ва кўтарилик руҳ бағишламоқда, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз «Универсиада» қатнашчилари!

Сизларнинг «Кичик Олимпиада» деб аталган мана шу нуфузли мусобақага қандай кескин кураш ва беллашувлар орқали етиб келганингиз, ўз олдингизга қўйган мақсад йўлида азму шижаот ва қатният кўрсатиб, олий ўкув юртларида илму фан чўққи-ларини эгаллаш билан бирга, спорт майдонларида ҳам умидбахш натижаларга эришганингиз, мамлакатимизда ўтказиладиган спорт ўйинларининг энг юқори босқичи бўлган 2013 йилги «Универсиада» финалига чиққанингизнинг ўзи, ҳеч шубҳасиз, ҳар бирингиз ўзингиз танлаган спорт тури бўйича катта ютуқларни кўлга киритганингиздан гувоҳлик беради.

Албатта, бундай юксак мэрралар ва шоҳсупаларга кўтарилиш учун қанча-қанча ҳаракат, қанча куч-қувват, ирова ва мардлик кераклигини ана шундай ҳолатларни бошидан кечирган ҳар қайси одам ўзига яхши тасаввур қилиши муқаррар.

Бу фикрларнинг тасдиғини қўйидаги рақам ва мисоллар яққол намойиш қиласди.

«Универсиада» ўйинларининг саралаш босқичларида иштирок этган қарийб 138 минг талаба орасидан якуний босқичга 1020 нафар қатнашчининг етиб келгани бу мусобақаларнинг миқёси нақадар кенглиги ва уларнинг нечоғли қаттиқ курашлар асосида ўтганини кўрсатади.

Мамлакатимизда олтинчи бор ташкил этилаётган «Универсиада» беллашувларини юқори савида, уюшқоқлик билан ўтказиш учун аввало жойларда, вилоят ва шаҳарларда зарур шароитлар яратилгани, жумладан, Бухоро шаҳрида ўнлаб муҳташам спорт саройлари ва мажмуалари бунёд этилгани, қарийб 93,5 миллиард сўм маблағ сарфланаб, катта ҳажмдаги қурилиш, реконструкция ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилганини инобатга оладиган бўлсак, ҳар уч йилда ўтказиладиган бу спорт байрамига давлатимиз ва жамиятилиз томонидан қандай улкан эътибор ва аҳамият берилаетгани янада яққол аён бўлади.

(Давоми 2-бетда)



ЎЗА суратлари

ЁШЛИК, БАРКАМОЛЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

Бухорода олий таълим муассасалари талabalari ўртасида
«Универсиада – 2013» республика спорт ўйинлари бошланди

Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳри яна байрам оғушида. Шаҳар иккинчи маротаба ёшлик, баркамоллик, шижаот ва гўзаллик байрами – Универсиада мусобақаларига мезbonlik қилмоқда.

«Бухоро» марказий стадионида «Универсиада – 2013» республика спорт мусобақаларининг чорлов садолари янграйди. Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари саф тортади.

Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи М.Эсонов Ўзбекистон олий таълим муассасалари талabalari иштирокчиларига талабарни янгради.

2013» спорт ўйинларини очиқ, деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Универсиада – 2013» спорт ўйинлари иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчisi X.Султонов ўқиб ёшиттириди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳијаси янгради.

Ўзбекистон Республикаси

касининг Давлат байроғи кўтарилди.

Универсиада байроғи кўтарилди.

Спортчи ёшлар бўла-жак мусобақаларда ҳалол, муросасиз ва мардона кураш олиб бориш хақида тантанали сўз бердилар.

Соғлом ва баркамол авлод мамлакатимиз тараққиётини, ҳалқимиз фаровонлигини, турмушимиз ободлигини таъминловчи курдатли кучдир. Шу боис ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук этиб тарбиялашга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида

 «Universiada – 2013»

эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан жорий этилган ва янги педагогик технология сифатида кўплаб давлатларда катта қизиқиши билан ўрганилаётган таълим соҳасидаги уч босқичли спорт ўйинлари – умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», коллеж ва лицейлар ёшлари ўртасидаги «Баркамол авлод» ва олий ўкув юртлари талabalарининг Универсиада мусобақалари ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

«УНИВЕРСИАДА — 2013» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

(Давоми,
боши 1-бетда)

Буларнинг барчаси аввалимбор сиз, азиз болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, вояга етайдиган фарзандларимизнинг таракқий топган давлатлардаги тенгдошларидан кам бўлмаслиги, улар билан бемалол беллашувга тайёр бўлиши учун, лўнда қилиб айтганда, навқирон ёшларимизнинг халқимиз, Ўзбекистонимизнинг таянчи ва суюнчи, биз интилаётган юксак

марраларга етиш йўлида ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириши учун — ана шундай буюк мақсадларга эришиш учун амалга оширилаётганини тушуниш, англаш қийин эмас.

Қадрли фарзандларим!

Халқимиз, жамоатчилигимизга яхши таниш бўлган, ҳаммамизга куч-куват бағишлайдиган, эртанги кунга ишонч туғдирадиган «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз!» деган олижаноб даъват барчамизни мана шундай гўзал ва бетакор Ватанимизга меҳр қўйиб,

ғуур ва ифтихор билан яшашга чорлади.

Ҳозирги вақтда миллий спортивизм ифтихорига айланган Ришод Собиров, Аббос Атоев, Рустам Қосимжонов, Оқгул Омонмуродова, Светлана Радзивил, Севара Қодирова, Денис Истомин, Саида Искандарова, Вадим Меньков, Дилшод Мансуров каби ўнлаб истеъоддли ёшларимизнинг спорт оламидаги ютуқлари учун айнан «Универсиада» мусобақалари парвоз майдончалиси бўлиб хизмат қилгани яхши маълум. Сизлар ҳам ана шундай моҳир спортчилари-

мизнинг изидан бориб, кела-жакда Ватанимиз байробини жаҳон спорт майдонларида баланд кўтаришингизга барчамиз тилакдошмиз.

Ҳеч шубҳасиз, «Универсиада — 2013» беллашувлари эл-юртимиизга хос бўлган ҳалоллик, мардлик ва ўзаро ҳурмат руҳида ўтади, қадимий Бухоро заминида яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг руҳи поклари сизларни кўллаб-куватлади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб,

сизларга атаб юксак талабларга жавоб берадиган замонавий спорт мажмуаларини барпо этган қурувчи ва муҳандисларга, мутасадди ва ҳомий ташкилотларга, бағрикенг, меҳмондўст Бухоро аҳлига ўз номимдан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Азиз ўғил-қизларим!

Барчангизни бағримга бошиб, сизларга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад ҳамиша ёр бўлишини тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,
Республикаси Президенти**

ЁШЛИК, БАРКАМОЛЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

(Давоми,
боши 1-бетда)

Мамлакатимиз терма жамоаларига иқтидорли спортчиларни тарбиялаш, олимпиачилар заҳирасини мустаҳкамлаш, ёш иқтидор эгаларига катта спорт сари кенг йўл очища мазкур тизим мухим аҳамият касб этайдиган. «Умид ниҳоллари»да илк маротаба катта мусобақа ҳавосини олган ёшлар «Баркамол авлод» ўйинларида тажриба ва маҳоратини ошироқмода. Универсиада беллашувларида етук спортчи сифатида шаклланиб, катта спорт майдонларида давлатимиз байробини баланд кўтармоқда.

Мамлакатимиз талабаларининг 2000 йилда Наманган шаҳрида бўлиб ўтган илк Универсиадасида спортнинг 9 тури бўйича 1712 нафар талаба иштирок этганди. Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Андикон шаҳарлари мезбонлик қилган кейинги Универсиадаларда ёшларнинг маҳорати ва иқтидори ошиб, иқтидорли спортчилар сафи кенгайиб бораётгани намоён бўлди.

Бу нафақат иштирокчилар сонининг кўпайганида, айни пайтда беллашувлар кескин ва муросасиз ўтишида, медаллар сонининг ортаганида, спортчилар кўрсаткич ва рекордларининг йилдан-йилга ошиб бораётганида ҳам яққол кўзга ташланади.

Бокс, эркин ва юнон-рум кураши, дзюдо, шахмат, бадиий гимнастика, оғир атлетика, теннис бўйича яратилган ўзбек спорт мактаби

ларини бутун дунё эътироф этмоқда.

Дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон Олимпиадалари совриндори Ришод Собиров, жаҳон чемпионати совриндори Дилшод Чориев, ўзбек қизлари ўртасида биринчи ҳалқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова, Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори, ФИДЕ устаси Нодира Нодиржонова, белбоғли кураш бўйича учкарра жаҳон чемпиони Рустам Умаров, енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Светлана Радзивил, Осиё ўйинлари голибаси Юлия Тарасова, сузиш бўйича кўпкарра рекордчилар — Раъно Омонова, Юлдуз Кўчкорова, ўсмирлар ўртасида қитъа чемпионатида голиб чиқсан бадиий гимнастикаси Азиза Мамажонова каби йигитқизлар ана шу уч босқичли тизим орқали катта спортга қадам қўйган.

Ўзбекистон спортининг ҳалқаро майдондаги нуфузи юксалаётгани юртимиизда жисмоний тарбияни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларда замонавий спорт иншотларини барпо этиш вазифаси давлат сиёсати даражасига кўтарилигани билан чамбарчас боғлиқ. Бу жараёнда Ўзбекистон Ҳалқ таълими вазирлиги ҳузурида Голиб чиқсан бадиий гимнастикаси Азиза Мамажонова каби йигитқизлар ана шу уч босқичли тизим орқали катта спортга қадам қўйган.

... Стадионга сокинлик чўмади. Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган «Физика-Куёш» иммий-ишлаб чиқариш бирлашмаси материалшунослик институтининг кўёш ўчогидан аланса олдирилган машъалани кўтарган йигит ва қиз майдонга кириб келади.

«Универсиада — 2013» республика спорт ўйинлари машъаласи порлай бошлади. Машъалани дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон Олимпиадалари совриндори, «Универсиада — 2010» голиби Ришод Собиров ва бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпиони, Зулфия номидаги Дав-

лат мукофоти лауреати Хусниябону Фуломова ёқди.

Бу аланга ёшларимизнинг беғубор интилишлари, Ўзбекистон ҳалқининг озодлик ва истиқололғоғида сифатида олий ўқув юртлари талабарининг «Универсиада — 2013» мусобақалари давомида порлаб турди.

Ҳалқаро спорт мутакассислари томонидан «Кичик Олимпиада» деб эътироф этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими мусобақалари Олимпия ўйинлари қондада ва талаблари асосида ўтказилади. Универсиада мусобақалари бу йил ҳам 12 спорт тури

— баскетбол, волейбол, кураш, белбоғли кураш, дзюдо, енгил атлетика, теннис, стол тенниси, футбол, гандбол, шахмат ва сузиш бўйича ташкил этилмоқда. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудида ўтган кўп босқичли саралаш мусобақаларида голиб чиқсан йигитқизлардан таркиб топган 14 терма жамоа қатнашмоқда. Қуонарлиси, уларнинг аксарияти спорт билан мунтазам шуғулланиб, «Умид ниҳоллари» ва «Баркамол авлод» спорт ўйинларида тажриба ва маҳоратни оширган ёшлардир.

Шаҳару қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳолининг ҳаёт даражасини юксалтириш борасида амалга оширилаётганди. Қуонарлиси, уларнинг аксарияти спорт билан мунтазам шуғулланиб, «Баркамол авлод» спорт ўйинларида тажриба ва маҳоратни оширган ёшлардир.

Президентимиз ташаббуси билан 2010 йилда барпо этилган «Баркамол маданий маркази» шаҳарга ташриф бу-

юрган меҳмонларнинг зиёратгоҳига айланди. 107 гектарли бу сўлим масканда вилоят мусиқали драма театрининг янги муҳташам биноси, амфитеатр ҳамда «Кўхна ва бокий Бухоро» монументи қад ростлаган. Мазкур обиданинг яна бир мухим жиҳати шундаки, унда оила мұқаддас, инсон ҳамиша ўзидан эзгу ном қолдириши керак, деган чукур фалсафий фоя мужассам. Монумент ёшларни улар қандай буюк зотларнинг авлоди эканини теран англашга, ота-боболаримизга муносиб фарзанд бўлишга ундаши билан ҳам аҳамиятлидир.

Вилоятда Универсиадага катта тайёргарлик кўрилди. Улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими ўтказилган «Бухоро» спорт мажмуаси қайта таъмирланди, мажмуя стадионига жаҳон талабларига жавоб берадиган йирик ҳажмли электрон табло ва замонавий ёритгичлар ўрнатилди, трибуна ўриндиклари ва югурнишларида қопламалари янгиланди.

Бухоро давлат университети ҳамда Муҳандислик-технология институтида янги замонавий спорт зали кўрилди. У ердаги футболь, волейбол, баскетбол ва гандбол майдонлари капитал таъмирланади чиқарилиб, ўзига хос спорт маркази барпо этилди. «Дилкушо» теннис кортлари, «Семурғ» ва «Хумо» спорт мажмуалари, Бухоро олимпия захира-

лари ҳамда Нефть-газ коллежлари спорт заллари ҳам тўла таъмирланниб, зарур спорт инвентарлари билан жиҳозланди.

Шаҳар кўчалари ва хиёбонлари ободонлаштирилди. Мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлари яшайдиган талабалар тураржойлари ва меҳмонхоналарда барча зарур шароит яратилди. Бухоро ҳалқаро аэропорти ва темир йўл вокзалида кенг кўламли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

... Стадионга ёш спортчилар, раққосалар, таникли эстрада хонандалари кириб келади. Ранго-ранг безаклар, турфа чироқлар байрамга ўзгача файз ва тароват баҳш этади. Майдон узра тараляётганди шўх мусиқа ёшларни рақсга чорлади, тантанавор руҳ қалбларга кўчади. Ёшлик ва спорт, гўзаллик ва эзгулик байрами бошланади.

«Универсиада — 2013» беллашувлариңин финал босқичи қатнашчилари учун қизиқарли ва кўнгилочар тадбирларга бой катта маданий дастур ҳам тайёрланган. Унда таникли спортчилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат намояндайлари билан учрашувлар, қадимий шаҳарнинг дикатга сазовор жойларига саёҳатлар, турли шоу-концертлар ўтказиш кўзда тутилган.

«Универсиада — 2013» спорт ўйинлариңин тантанали очилиш маросими катта концерт дастури билан яқунланди. Спорт байрамининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Эркин ЁДГОРОВ,
ЎЗА махсус
мухбирлари**

Universiada – mening hayotimda

Чинакам ишонч майдони

Бокс бўйича Муҳаммадқодир Абдуллаев илк маротаба Олимпиада шоҳсупасига кўтарилиб, унинг шарафига Ўзбекистон мадҳияси дунё минбарида баралла янграганида эндиғина еттинчи синфни битиргандим. Эртаси куни уйимизда, маҳалламизда, борингки, бутун мамлакатимизда Олимпиада чемпиони деган юксак шарафга эришган ўзбек ўғлони энг машҳур инсонга айланганди. Ўшанда спорт ва ғалабанинг қудрати нечоғлик баланд эканлигини англаб етгандим!

Бухоро — юрагимнинг бир парчаси. У менга Баҳоуддин Нақшбандий, Ибн Сино, Имом Бухорий, Фиждувоний, Ромитаний каби буюк боболаримнинг авлоди эканимни, уларга муносиб ворис бўлишим лозимлигини уқтириб турди. Назаримда, тенгдошларим ҳамда униб келаётган ёш авлод вакиллари қалбида ҳам ана шундай чукур масъулият ва теран дахдорлик тўйғуси камол топмоқда.

Талаба-ёшларнинг энг севимли спорт байрами — Универсиада мен учун ҳар доим қадрли бўлган. Эсимда, 2002 йил Бухорода бўлиб ўтган иккинчи Универсиада спорт ўйинларида тўқизинчи синфни битириш арафасида эдим. Ҳамма (ўша йилларда Марказий Осиёда ягона дея эътироф этилган «Бухоро») стадионга ошиқарди. Уларга қўшилиб мен ҳам ичкарига кирдим, кирдим-у лол қолдим. Худди Олимпиада ўйинларига ўхшайди. Олдинлари бундай мусобақаларни фақат телевизорда кўрардим... Ўшанда голиб жамоаларга Президент совғаси — «Дамас» автомобиллари

топширилганида, дилимнинг туб-тубида бир кун келиб, мен ҳам ушбу спорт байрамида қатнашиб, голиблар сафида бўлишни ният қилдим.

Орадан бир йил ўтиб, 2003 йил Хоразм вилоятида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида қатнашдим. Гарчи кўзланган мақсадга эришолмаган бўлсам-да, мен учун тажриба мактаби вазифасини ўтади.

Ниҳоят, 2010 йил Андикон вилоятида бўлиб ўтган Универсиада спорт мусобақаларида ниятимга етдим ҳамда олтин медаль билан тақдирландим. Ўшанда Президентимизнинг «... Ана шундай кўтаринки руҳ, баланд қайфият билан белни қаттиқ боғлаб майдонга чиқаётган экансиз, ҳеч қачон унутманги, сизларнинг ортингизда барчамиз учун ягона ва муқаддас Ватанимиз, ҳар бирингизга ғалаба ёр бўлишини тилаб турган бағрикенг ва фидойи ҳалқимиз бор», дея таъкидланган сўзлари мен сингари яна минглаб спортчи тенгдошларимга қанот бағишлади.

Ёшлар ҳаётида унугтилмас воқеа саналмиш бу ўйинлар келгусида Ватан шаънини Олимпиада, жаҳон ва қитъа чемпионатларида муносиб ҳимоя қила оладиган, етук, професионал спорчичи ёшлар учун трамплин вазифасини ўтайди.

Бир жиҳатни алоҳида таъкидлашни истардим: мактабдаги жисмоний тарбия фани дарсида синфдош қизларимиз жуда суст эди. Айримлари мактаб спорт залини кўрмасдан, битириб кетишарди. Аксарияти спорт либосини кийишга уяларди, кийса ҳам, ийманиб бир чеккада турарди... Ўтган йиллар мобайнида қизлар орасида спортнинг кенг тарғиб этилиши натижасида қизларнинг спортга бўлган қизиқиши сезиларли даражада ортиб борди. Бугун мен билан тенгма-тeng курашадиган дзюдочи, курашчи қизларимиз сафи анча кенгайди.

Спорт — саломатлик калити. Юртимизда спортга берилётган эътибор айнан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, хусусан, ёш болаларни турли касалликларга чалинишдан асрар, улардаги иммунитетни оширишга хизмат қилаётгани диққатга сазовор. Бугун ёшларимизнинг вазни ва бўйи ўйғулиги бутун дунёда намунага айланмоқда.

27 ёшга тўлган бўлсам-да, юртимиздаги болаларга ҳавас қиласман. Чунки улар ҳукуматимиз томонидан яратиб берилган ажойиб шартшароит ва имкониятлардан самарали фойдаланиб, мендан ҳам кўпроқ медаллар жамғаришмоқда.



Кичик олимпиада номини олган Универсиада спорт ўйинлари ким учундир жиддий синов майдони бўлса, ким учундир дўстлашиш палласи, яна ким учундир улкан мусобақалар сари ташланган дадил қадамдир. Барча соҳаларда — илм-фан, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш ва, албатта, спортда ўз иқтидори ва изланишлари билан кўзга ташланган ёшларимизни қўллаб-куватлаш, рағбатлантириш, руҳлантиришга йўналтирилган уч босқичли спорт мусобақаларининг «тўнғичи» — Универсиада спортчи талабалар учун ўзбек фарзандларининг дунёда ҳеч қачон ҳеч

кимдан кам бўлмаслигини англатувчи чинакам ишонч майдони, десам, асло муболага бўлмайди.

Зеро, ўз салоҳияти, кучи ва билимига таянган, ортида спортсевар ҳалқимиз ва фидойи Юртбошимиз хайриҳо бўлиб, қўллаб турганини юрақдан ҳис этган спортчини ҳеч қандай жисмоний ва мафкуравий куч енга олмайди!

Ришод СОБИРОВ,
«Ўзбекистон ифтихори»
фаҳрий унвони соҳиби,
дзюдо бўйича икки карра
Олимпиада совриндори,
икки карра жаҳон
чемпиони, «Универсиада
— 2010» голиби

Юксак марраларни кўзляяпмиз

«Универсиада — 2013» спорт мусобақаларида Сирдарё вилояти шарафини 49 нафар спортчи талаба ҳимоя қиласади. Улар ўн нафар устоз-мураббий ҳамроҳлигидан Бухорога етиб боришли.

Биз Гулистон давлат университетининг тўртинчи курс талабаси, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси Севара Мирзабековадан спорт ўйинларида тайёргарлик қандай кечгани, мақсадлари ҳақида сўрадик. Сабаби, Севара эшқак эшиш бўйича мамлакат чемпиони, Универсиадада эса сузиш бўйича иштирок этади. Бухорога йўл олган барча спортчи талаба тенгдошларимиз қатори ундан ҳам устоз-мураббийлар, мухлисларнинг умиди катта.

— Президентимиз биз, ёшларни ҳамиша олға интилишга чорлаб: «Маррани баланд олинглар, фарзандларим, ғалаба сизники!» — дея айтган сўзлари мен каби ёшларга шикоат ва умид бағишлайди. Каерда бўлмай, қайси мусобақада иштирок этмай, ортимида ёшларга ғамхўр, меҳри-

бон Юртбошимиз, доимо қўллаб турувчи ҳалқимиз, дуоғўй отоналаримиз, қалби дарё устозларимизу жонкуяр яқин инсонларимиз борлигини ҳис этиб турдимиз, — дейди Севара Мирзабекова. — Бухорода бошланган Универсиада спорт ўйинларида муносиб иштирок этиш учун барча кулаги шароитларга эга Гулистон давлат университети спорт залларида ҳозирлик кўрдик. Тенгдошлариминг чақноқ кўзларига, иштиёқларига қараб, вилоятимизга мусобақалардан юзимиз ёруғ бўлиб қайтишимизга ишонаяпман.

Гулистон давлат университети жисмоний тарбия ва спорт кафедраси мудири Шуҳрат Сарибоевнинг айтишича, спорт ўйинларида қатнашашётган ёшларнинг кўпчилиги нуғузли мусобақаларда чархланган йи-



гит-қизлардир.

— Масалан, Жалолиддин Эгамбердиев «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ва «Универсиада — 2010» мусобақаларида қатнашиб тажриба тўплаган. Унинг шахсий коллекциясида «Универсиада — 2010» бронза медали бор. Сузувчи ийгитимиз Дилшод Абдурасулов ҳам Андиконда бўлиб ўтган мусобақаларда қатнашган ва кумуш ва бронза медалларни кўлга киришган, — дейди Шуҳрат Сарибоев.

Универсиада — юрагида ўтибор, мард ва жасур тенгдошларимизнинг синов майдони. У ёшларнинг иродаси ва интилувчанлик қобилиятини ҳам тоблайди.

Асал НЕЪМАТОВА,
Сирдарё вилояти

Андикон қишлоқ ҳўжалиги институти талабаси Ҳусниддин Рўзиев мамлакатимизда ўйлга кўйилган уч бўғинли спорт ўйинлари нинг иккитасида қатнашиб, чемпион бўлган ҳавас қиласа арзидиган спортчи ёшлардан.

Икки мусобақа фолиби, навбат учинчисига!

У 2009 йил Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» ҳамда 2011 йил Термиз шаҳрида ўтказилган академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» спорт ўйинларида иштирок этиб, голиблик шоҳсупасига кўтарилган эди.

Белбогли кураш бўйича бир неча карра мамлакат чемпиони, истеъоддли полвон Ҳусниддин Рўзиев Бухорода ўтказилётган «Универсиада — 2013» спорт мусобақаларида ҳам иштирок этмоқда. Мақсади аниқ: бу гал ҳам спорт ўйинлари олтин медалини кўлга киришиш.

— Ҳусниддинни болалигидан кузатиб келаман, — дейди унинг устози, белбогли кураш бўйича Андикон вилоят терма жамоаси бош мураббий Шуҳратбек Исоков. — У тажрибали мураббийлардан сабоқ олиб, юқори натижаларга эришиб келаяпти. Ундан умидимиз катта.

Устозлар ишончи Ҳусниддин каби иқтидорли ёшларга қанот бўлиб, ортимида спорти бундан ҳам юқсалаверади, деб биз ҳам умид билдирамиз.

Муҳаммаджон КАРИМОВ,
Андикон вилояти



«УНИВЕРСИАДА» ҲАҚИДА МУХИМ ФАКТЛАР

■ «Универсиада — 2013» спорт мусобақаларида **1021 нафар** спортчи беллашмоқда.

■ Мусобақаларда мамлакатимиз олий таълим муассасаларида ўқиётган **ёши 28 дан ошмаган** талаба ва магистрантлар қатнашишлари мумкин.

■ **Бухоро** республикамизда Универсиада спорт мусобақаларига иккинчи маротаба мезбонлик қилаётган **ягона шахар бўлиб турибди**.

■ «Универсиада — 2013» доирасидаги мусобақалар **10 та** спорт обьектида бўлиб ўтмоқда.

■ «Универсиада — 2013» иштирокчиларига биринчи маротаба **236 нафар** тиббий ходим хизмат кўрсатади.

■ Мусобақа иштирокчилари учун **20 та** тиббий хонаси, **36 та** тиббий пост ва **22 та** тез тиббий ёрдам бригадаси ташкил қилинган.

■ Бу йилги мусобақаларни ўтказиш кўзда тутилган спорт иншоотларини таъмилош, жихозлаш, худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига жами **93,4 миллиард сўм** маблаг сарфланди.

«Universiada — 2013»

ШИЖОАТ ВА ҚАТЪЯТ, ХОЛИСЛИК ВА ҲАЛОЛЛИК НАМОЙИШИ

Юрбошимиз Универсиада спорт ўйинларини азму шижаат ва қатъяятлик, холислик ва ҳалоллик, ўз рақибига хурмат, бир сўз билан айтганда, ғалабага бутун борлиги билан интилиш ва бағрикенглик туйгуларини намоён этадиган чинакам кураш майдонидир, дея таъриф этган эди.

Бухоро вилояти мезбонлик қилаётган бу йилги Универсиада ҳам спортга ошно, жасур ва шижаатли, ҳамиша олға интилувчан талаба тенгдошларимизнинг азму шижаат, қатъяят, холислик ва ҳалоллик майдони бўлиб, миллионлаб спорт ихлосмандлари нигоҳини ўзига қаратмоқда.

Кўйида ёшларнинг севимли спорт байрами — «Универсиада — 2013» спорт ўйинлари иштирокчиларининг фикрлари, мусобақалар билан боғлиқ қизиқарли маълумотлар билан танишасиз.

Ёшлик, гўзаллик, шижаат ва мардлик айёми сизга ҳам қутлуғ бўлсин, азиз тенгдошлар!



Спорт ҳаётим мазмунига айланиб улгурган. Тўрт йилдан бўён Бухоро шаҳридаги 3-ийтинослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактабида Ойдин Файзиева мураббийлигига синхрон сузиш билан шугулланиб келаяпман.

Спортчи опаларимга ҳавас қиласман

Ўтган йиллар давомида Президентимиз томонидан биз, спортчи ёшларга яратилган шароитлардан унмали фойдаланган ҳолда Узбекистон очик чемпионатлари ва кубокларида қатнашиб, ўзини натижаларга ёрдидан. Жорий йилнинг 12-14 апрель кунлари синхрон сузиш бўйича Малайзияда бўлиб ўтган халқаро мусобақада қатнашдик.

Синхрон сузиш вилойтимизда энди ривожланаётган спорт тuri бўлса-да, вилойтда ўнга қизиқувчи тенгдошларим кўп. Синхрон сузиш бўйича Осиё ва жаҳон чемпионатларига ташкил топган айтичилар гурухи эса, бевосита мусобақалар мезбони — кўхна ва баюй Бу-

хоронинг тарихий обидаларидан тортиб, сайёхлик салоҳияти, хунармандчилигию анъаналари хамда ёшлари ҳакидаги қизиқарли материалилар, фото ва видео лавҳалар билан тўлдирилган. Унинг хорижий тиллардаги контентини яратиш учун Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига маҳсус тарҳимонлар гурухи тузиди. Тошкент ахборот технологияларни университетининг Қарши филиали мутахассисларидан ташкил топган айтичилар гурухи эса, бевосита мусобақалар жойидан туриб сайтга янги-

Бухоро юртимизнинг қадимий ва тўзал шаҳарларидан. Мен қўпдан бўён у ерга боришни, бобомерос асрий меъморчилек дурдоналарини томоша қилишни ҳавас қиласадим. Нијатим холис экан, бу йил Универсиада шарофати билан Бухорони кўришга мусассар бўлдим.

Мен кутган мусобақа

Спорт — дўстлик, ҳамхиатлик байрами. Универсиада биз, ёшларни шу эзгу максад атрофида жамловчи музим спорт байрамидир. Юртимизда спорта қартилаётган юксак эътибор туфайли тенгдошларимиз бундай мусобақаларда тобланиси, жаҳон ареналарида Ватанимиз шарафини мунонисиб ҳимоя қиласадим. Мен ҳам кўплаб чемпион тенгкорларим сафида юртимизда яратилган имкониятлардан унуми фойдаланаётганимдан, њеч кимдан кам бўймай камолга етадиганимдан бахтиёрман.

Кўплаб спортсевар тенгдошларим сингари Универсиадани мен ҳам интиқиб кутдим. Ахир, кучилар орасидан ўзингизнинг нималарга қодирлигининг

бўлсангиз, «Бошқа Универсиадалар» ҳаволасига кириб кўринг. Xозир www.universiada.uz сайти Универсиада спорт мусобақаларининг виртуал рамзи сифатида кабул қилиш мумкин. У юртимизда талаба-ёшлар иштирокида ўтказилувчи ушбу нуфузли тадбирнинг кўлуми, аҳамияти ва ютукларини очиб беришга хизмат қиласади. Муҳими, сайти билан танишган ҳар бир инсон Ўзбекистон — умидид ва ўш спорчилар мамлакатларида универсиадалар ўтказилиши хақида

бўлди.

■ Универсиада спорт мусобақалари галиблари умумжамоа ҳисобида тўплаган балларига қароб аниланади. Спорт турлари бўйича 1-уринни эгаллаш учун жамоа **15 очкони** кўлга киритиши керак.



Sport va zamonaliv texnologiyalar

Универсиаданинг виртуал рамзи

Асосий янгилик шундаки, сайт интернет фойдаланувчиларига нак ўн тилда тадқим этилган. Унди маълумотларни ўзбек, рус, инглиз, француз, немис, итальян, испан, хитой, япон ва корейсий тилларда ўзингизни мумкин.

Сайт Универсиада спорт ўйинларининг тарихи, низоми, ўтказилиш тартиби ва дастури, бу йилги мусобақалар бўлиб ўтаятган спорт иншоотлари ва сузиш ҳавзалари, мусобақа иштирокчилари учун яратилган шароитларида ташкил топган айтичилар гурухи эса, бевосита мусобақалар мезбони — кўхна ва баюй Бу-

хоронинг тарихий обидаларидан тортиб, сайёхлик салоҳияти, хунармандчилигию анъаналари хамда ёшлари ҳакидаги қизиқарли материалилар, фото ва видео лавҳалар билан тўлдирилган. Унинг хорижий тиллардаги контентини яратиш учун Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига маҳсус тарҳимонлар гурухи тузиди. Тошкент ахборот технологияларни университетининг Қарши филиали мутахассисларидан ташкил топган айтичилар гурухи эса, бевосита мусобақалар жойидан туриб сайтга янги-

ликларни тезкор равишида жойлаштириб боришиди.

Муҳисларни «Универсиада — 2013» спорт ўйинларини кундагида хабардор этиш максадида сайтининг бош саҳифасида «Универсиада янгиликлари» руҳи ташкил килинди. Бош саҳифанинг ўзида «Медаллар» руҳи ҳам очилган бўлиб, унда вилюятлар хамоалари нечта ва кандай даражадаги медаллар кўлга киритган жадвал шаклида кўрсанади турлилди. Дунёнинг қайси мамлакатларидан универсиадалар ўтказилиши хақида

бўлди.

Мен учун олтин медаль эмас, олтингдан беҳо дўстлик музим. Шу босис Универсиадада галиблар супасига кўтарила олмасада, ахойиб дўстлар ортиришимга ишонаман.

Алена ТАМИНА, Навоий давлат педагогика институти талабаси, «Универсиада — 2013» иштирокчиси



Футбол мусобақалари Бухоро давлатуниверситети стадионида ўтказилади. Мазкур университетининг иккинчи спорт зали дархандан хурсандман. Кўл тўпи баҳслари бизнинг коллежизмизда ўтаятти. Ўйламанки, мусобақалар барча ёшларга олам-олам завъ бағишлайди.

Бу йилги Универсиада спорт мажмуасидаги иштирокчилари учун 20 та тиббий ходим хизмат кўрсатади.

■ Бу йилги мусобақаларни ўтказиш кўзда тутилган спорт иншоотларини таъмилош, жихозлаш, худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига жами **93,4 миллиард сўм** маблаг сарфланди.

Сабринисо ҲАЁТОВА,
1-тоифали спорччи

■ Универсиада ўйинларида иштирок этиши ҳар бир талабага чексиз ифтихор, қувонч бағишлади. Бу имконият менга ҳам насиб этаётганидан курсандман.

Вилоятимиз терма жамоаси аъзолари билан юртимиз талабаларининг спорт байрамида муносиб иштирок этиши учун пухта тайёрлар кўрсатади. Юксак даражада машүх ҳам шаҳарини кузашибади.

Кўшсаҳифа материалларини «Turkiston» мухбирлари Элмурод НИШОНов, Лайло ҲАЙТОВА, Рустам ЮСУПов, Наргиза ҮМАРОВА, Ҳайриддин МУРОД тайёрлади

лот ўташимиз учун барча имкониятлар, кўллайлар яратиб бериди. Мен шеригим, сузиш бўйича кўплаб мусобақалар иштирокчisi Maxim Daniilenco билан Навоий шаҳридаги «Дельфин» сузиш ҳавзасида Универсиадага ҳозирландид, машүгулларда фоал бўлишга ҳаракат қиласади.

Бухорада кечадиган беллашувларни ҳам иштиёқ, ҳам ҳарон билан кутяпмиз. Кўхна ва ҳамиша навқирон заминда ўтадиган мусобақа қизигин, шиддатли бўлиши аниқ. Чунки бошқа вилоятик тенгдошларим ҳам Универсиадага галиблар учун келиди. Шундай



«УНИВЕРСИАДА» ҲАҚИДА МУХИМ ФАКТЛАР

■ Универсиада дастурига охирги бўлиб стол тенинси ва белбогли кураш кирилтилган. Шу аснода 2007 йилдан бошлаб мусобақалар спортнинг **12 тури** бўйича ўтказиб келинмоқда.

■ Универсиада спорт мусобақаларининг худудий саралаш босқичида Қароқалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари спортнинг факат

4 тури: футбол, волейбол, баскетбол ва кўл тўпи бўйича беллашадилар. Қолган 8 та спорт тuri (тенинс, сузиш, стол тенинси, шахмат, кураш, белбогли кураш, дзюдо) бўйича терма жамоалари тўғридан-тўғри мусобақаларнинг финал босқичида

мусобақаларни ўтказиб кетади. Универсиадада спорт мусобақаларининг виртуал рамзи сифатида кабул қилиш мумкин. У юртимизда талаба-ёшлар иштирокида ўтказилувчи ушбу нуфузли тадбирнинг кўлуми, аҳамияти ва ютукларини очиб беришга хизмат қиласади. Муҳими, сайти билан танишган ҳар бир инсон Ўзбекистон — умидид ва ўш спорчилар мамлакати деган холосага келиши аниқ.

■ Универсиада — 2013» машъяласи Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Физика-Кўёш» илмий ишлаб чиқариларни таъминлаштиришади.

■ Универсиада спорт мусобақалари галиблари умумжамоа ҳисобида тўплаган балларига қароб аниланади. Спорт турлари бўйича 1-уринни эгаллаш учун жамоа **15 очкони** кўлга киритиши керак.



Жўшқин ҳаётнинг қайнок тўлқинларида

**Фарғона вилоятида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!»
шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди**

Водийлик ёшлар ёз фаслини ўзига хос байрам тадбирлари билан қарши олиши. Фарғона водийсида бўлиб ўтган «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивали қизиқарли учрашувларга бой бўлди. Пойтахтдан борган таникли санъаткорлар, шоир ва ёзувчilar, актёрлар, депутатлардан иборат тарбибот гуруҳи аъзолари ранг-баранг лойиҳаларда қатнашиб, вилоят ёшлари билан дилдан сухбатлашиши.

Фестиваль давомида «Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин!», «Сиз севган қаҳрамонлар» ва «Замонамиз қаҳрамонлари», «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!», «Президент асарлари билимдони», «Биз соғлом ахборот мухити тарафдоримиз!», «Ватан тараққиётiga менинг ҳиссам» каби ўнта лойиҳа бўйича вилоятдаги барча туман ва шаҳарларда кенг қамровли тадбирлар ташкил этилди.

ИСТИКЛОЛ ИСТЕДОДЛАРИ

Данғара туманида ўтган тадбирда ижодкор ёшларни камраб олишига алоҳида эътибор қаратилди. Тайпоқ қишлоқ фуқаролар йиғинидаги истироҳат боғида бўлиб ўтган тадбирга шеърият ихлосмандари йиғилди. «Истиклол истедодлари» лойиҳаси доирасида ташкил этилган шеърхонлик кечасида Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Дилнавоз Қўлдошева, Фарғона политехника институти ўқитувчisi, шоира Фарида Анис ва бошқа ижодкорларнинг иштироки мушоираларнинг бой ўтишига асос бўлди. Учрашув давомида ёш ижодкорларнинг илк ижод намуналари мухокама этилиб, устозлар томонидан йўналишлар, тавсиялар берилди.

— Қишлоқ жойда, сўлим табиат кўйинда шунча ижодкорни жамлаган тадбир ташкилотчilariга раҳмат, — дейди Данғара туманидаги 7-мактаб ўқувчisi Зилола Абдулажо-

нова. — Бу ерда устоз шоирлар биз, ёш ижодкорларга зарур маслаҳатлар бериши. Уларга ўзимизнинг ижод намуналаримизни ўқиб, керакли маслаҳатлар олдик. Бундай ижодий учрашувлар қишлоқ жойларда кўпроқ ўтказилишини истардим.

ДЕПУТАТ ВА ЁШЛАР

Бувайда тумани педагогика коллежида ташкил этилган «Депутат ва ёшлар» лойиҳаси ҳам қизиқарли мухокамаларга бой бўлди. Учрашувда депутатлар ёшларнинг келгусида халқ хўжалигининг турли соҳаларидан, баъзилари депутат сифатида ҳам фаолият олиб боришлари мумкинligини таъкидлаб, бу ишнинг накадар масъулиятли, шу билан бир бирга, шарафли эканини айтиб ўтди. Баҳс-мунозараларга бой бўлган учрашув ёшларнинг ҳуқуқий билимини янада оширишга хизмат қилди.

Лойиҳа давомида «Агар мен депутат бўлсан» ҳамда «Концепция: мамлакат ҳаётидаги мухим ислоҳотлар» мавзууда иншолар танлови ташкил этилди. Унда мактаб ва коллаж ўқувчilari ўз фикр-мулоҳазаларini баён этиши.

— Бугунги ёшлар мамлакатимида амалга оширилаётган барча ислоҳотлардан хабардор, — дейди Халқ депутатлари Фарғона шаҳар кенгаши депутати Фарҳод Турғунбоев. — Улар мулокот давомида долзарб ва мунозарали масалалар юзасидан ўз таклифларини эркин баён этиши. Бундай ил-

гор фикрли ёшлар билан кўпроқ учрашиб, уларнинг фикрлariга кулоқ солиб, керак бўлса, улардан ниманидир ўрганиш мумкин.

— Учрашув мен кутгандек бўлди, — дейди Бувайда тумани педагогика коллежи ўқувчisi Умида Жалилова. — Депутатлар билан расмий равишда эмас, оддигина дўстона сухбатлашдик. Учрашувда депутатлар фаолияти бўйича ҳам кенгроқ тушунчага эга бўлдик.

Учрашув тумандаги тиббийт коллежида давом этиди. «Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти» мавзууда ўтган ушбу лойиҳада «оммавий маданият» ниқоби остидаги таҳдидларнинг ёшлар маънавиятига салбий таъсири ҳақида сўз борди.

ҲЕЧ КИМ МЕХРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН

Оммавий тадбирларда иштирок этиш, ўз фикрини кўпчилик билан мухокама қилиш имкониятига эга бўлмаган ёшлар учун «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» лойиҳаси ташкил этилди.

Кўштепа туманида мазкур хайрли лойиҳа доирасида маҳаллалардаги йигирма нафар яқка тартибда таълим олувчи, ногирон ўқувчининг ҳолидан хабар олинди. Улар билан дилдан сухбатлашиб, турли мавзулар, масалалар бўйича фикrlari тингланди. Уларга ўқув куролларидан иборат совалар улашилди.

— Бир жойда ўтирган одамда ўйлаш учун вақт кўп бўлади, — дейди «Камолот» ЙИХ Кўштепа тумани кенгаши радио Уткирбек Сиддиқов. — Ўйлаган ўйингни, фикрингни бошқалар билан ўртоқлаша олмассанг, кишида ўксиниш бўлади. Таникли кишилар ҳамроҳлигига мөхрга ташна ёшлар ҳолидан хабар олиб, уларнинг фикрлariга кулоқ солиб, алоҳида эътибор қаратилгани имконияти чекланган

ёшларга кўтаринки рух бағишлади.

Ушбу лойиҳа Олтиариқ туманидаги Файзиобод сил касалликлари шифононасида ҳам ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутати С.Абдуназаров, хонанда Ҳ.Ҳамидова, таникли актёрлар — З.Режаметов, Ф.Режаметова, О.Махкамов, Фарғона давлат университети профессори Ф.Турғунбоев иштирок этди. Ушбу тадбирда шифононадаги болалар, уларнинг устозлари ва фаол ёшлар билан биргаликда турли хил интерфаол сухбатлар, ўйинлар ва кўшиқлар ижро этилди.

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Фестиваль доирасида Қувасой шаҳри ҳокими Адҳам Зиёвиддинов билан «Ҳоким ва ёшлар» учрашуви ўтказилди. Унда ёшлар билан биргаликда театр ва кино актёрлари — Наргиза Салмонова, Шаҳзода Муҳаммадов, Отабек Муҳаммадзоҳид, Дилором Мирзаева, Зухриддин Режаметов, эстрада хонандалари — Шаҳноза Йўлдошева, Хилола Ҳамидова, Ўлмас Оллоберганов, Анвар Собиров, шоир Ориф Тўхташ иштирок этиди. Самимий мулокот руҳида ўтган учрашувда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиши.

Ҳоким билан сухбат давомида асосий мавзу шаҳарда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган касбхунар коллаждлари битирувчilari банклар томонидан имтиёзли кредитлар бериш масалалари қаратилди. Шаҳар ҳокими ёшлар билан бўлган мулокотда уларнинг қизиқишиларини инобатга олиб, банк филиаллари раҳбарлари ва мутахассислари иштирокида алоҳида учрашув ташкил этилишини билдири.

— Ҳокимимизнинг «Камолот»

фаолиятига бўлган эътибори

дан хурсандман, — дейди ту-

мандаги 24-мактаб ўқувчisi Севара Турсунбоева. — Биз, ёшлар бундай самимий учрашувлар, сухбатлар тез-тез ўтказиб турилишини истардик.

Боғдод туманидаги академик лицейда «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» лойиҳаси доирасида волейбол, шахмат, стол тенниси бўйича «Камолот» кубоги мусобақаси ўтказилди. Шунингдек, «Одам савдосидан ёшларни асрash — куннинг долзарб масаласи» мавзууда ёшлар иштирокида ҳуқуқ-тартибот органлари билан давра сухбати ташкил этилди.

«Сиз севган қаҳрамонлар» ва «Замонамиз қаҳрамонлари», «Вижонли сотувчи», «Камолот» билимдони, «Кувноқлар ва зукколар» лойиҳалари ҳам ёшларнинг қизиқарли учрашивига айланди.

* * *

Ёшлар фестивали Фарғона шаҳридаги «Нефтчи» стадионида якуний гала-концерт дастури билан ниҳояланди. Тадбирда вилоят ҳокими Ш.Ғаниев қатнашди ҳамда фестиваль доирасида ўтказилган лойиҳаларда фаол қатнашган ёшларга маҳсус диплом ва эсадалик совғаларни топшириди.

Фестиваль доирасида тарбибот тадбирларида фаол иштироки ҳамда ўз билими ва иқтидори билан ёшларга ўрнак бўлгани учун Фарғона вилояти «Етакчи» ёшлар маркази раҳбари Элёрбек Худойбердин «Энг яхши соғлом турмуш тарзи тарафботчиси» номинацияси, Фарғона давлат университети ўқитувчisi, юридик фанлар номзоди Жумагул Дарабоева «Энг яхши ҳуқуқ тарбиботчиси» номинацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий характери фаоли Мафтуна Ёқубова «Энг яхши тарбиботчи» номинацияси, вилоят маънавият тарбибот маркази раҳбари Файзулла Зоҳидов «Энг яхши маънавият тарбиботчиси» номинацияси, Фарғона политехника институтининг халқаро алоқалар бўлими бошлиги, иқтисод фанлари номзоди Жамолиддин Камбаров «Илм-фан фидойиси ва тарбиботчиси» номинацияси, Тошлок тумани ҳокими Ҳалимжон Умаров «Ёшлар билан ишлашда энг фаол туман ҳокими» номинацияси голиби бўлди.

Ёшлар фестивали эстрада хонандаларининг куй-қўшиқлари билан давом этиди.

**Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири**

Yoshlar festivali davom etadi

Она юртим, ифтихоримсан!

Ўкув йили охири
эмасми, якуний назорат
ишларига тайёргарлик
кўриш мақсадида
дарсдан сўнг Алишер
Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси томон йўл
олдим. Таниш транспор-
та чиқиб, ойнадан
ташқарини томоша
қилиб кета бошладим.

Савлатли бинолар, қатор замонавий дўконлару обод бозорларимиздан ўтиб, манзилимга етиб келдим. Аллақачон кўплаб тенгдошларимнинг севимли масканига айланиб улгурган бу кутубхона: «Кел, истаганингча тўйиб ўқи, ўрган! Сенга дунё сирларини очаман», деяётгандек ўзига чорлайди. Мен ҳам бу чорловга лаббай, дея у томон юриб эмас, гўё учиб бораётгандек бўламан.

Бу ерда мен сингари ёшларни хушмуомала, латофатли ходималар очиқ чехра билан кутиб олишади. Керакли адабиётларни олгандан сўнг ўкув залига ўтиб, дарс тайёрлашина бошладим.

Кутубхонада барча шароитлар мавжуд: белул интернет, Wi-Fi хизмати, сўнгги турдаги комп’ютер ускуналари билан жиҳозланган бир-бираидан шинам ўкув заллари, замонавий учрашув,



такдимот, қолаверса, овқатланиш хоналари, китоблар билан тўла турли бўлимлар... Зарур китобни ўзингиз қидириб топа олмасангиз, буюртма беришингиз мумкин ва, қарабисизки, 10-15 дақиқа ичидаги керакли адабиётнингиз кўлингизда бўлади.

Мутолаага берилиб кетганимдан вақт қандай ўтганини сезмай ҳам қолибман. Соат 17:38 бўлибди. Бошқа китобхонларнинг фикрларини бўлмаслик учун нарсаларимни секин иғиштириб, адабиётларни жой-жойига кўйдим, эшик томон юзландим. Биринчи қаватдаги зина олдида навбатчиликда турган амакига ID-картамни текширигач, буюмларимни олдим.

Кутубхонадан чиқиб, севимли гўшаларимдан яна бири — Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри олдида жойлашган гўзал ва мафтункор фавворалар томон йўл олдим. Билагимдаги вақт посбонига назар

ташладим: 17:50. Фаввора 18:00 да очилади. Демак, яна 10 дақиқа вақтим бор. Улгураман.

Юртошларимиз ва меҳмонлар бу ерда мириқиб ҳордик чиқаришни хуш кўришади. Ўзбек ва жаҳон классикаси дурданалари, жозибадор мусиқага ҳамоҳанг тарзда кўкка сакраб, яна пастга шўнғиётган оби ҳаёт мөхир дorbознинг эпчил ҳаракатларини эслатади. Фаввора атрофида ёш болаларнинг шўхшодон кулгилари, бир-бiri билан қувлашмачоқ ўйнашларини кўриб мен ҳам болалик дамларимга қайтгандек бўлдим... Улардан сал нарида эса тенгдошларим ҳамда ёш оиласалар бу ажаб манзарага бокиб, ширин орзулагра берилишган.

Шу пайт биз томон келётган бир гуруҳ ҳорижлик меҳмонларга кўзим тушди. Туристлар фавворага мафтун бўлиб, шўх таронага мос тарзда рақста тушаётгандек ҳаракатланишар, тагин ўз

раксларидан ўзлари хурсанд — бир-бирларига мамнун бокишар, кулишарди. Улар билан саёҳтлари ҳақида сұхбатлашгим келди. Инглиз тилини билганим учун шу тилда аста гап бошладим:

— Хайрли кеч! Меҳмон экансизлар. Юртимиз ҳақида нима дейсиз?

— Хайрли кеч. Инглизчани биласизми? Узр. Ўзбек ёшлари учун бу одатий ҳолга айланиб қолди, — дейди ўзини Ойша Аҳмад деб танишириган сұхбатдoshim. — Ўзбекистонга иккинчи бор келишим. Биринчи келганимда Самарқанд, Хива, Бухоро каби қадимий шаҳарларда бўлиб, тарихий қадамжоларингиз ҳақидағи унтуилмас таассуротлар билан ватанимга қайтгандим. Бу гал ҳам шу заминга келганимдан жуда хурсандман. Тошкентта келганимга иккى кун бўлди-ю, шу орада бир дунё таассурот олдим. Ҳозир ҳам дўстларим билан Мустақиллик майдонини айланиб-айланиб, шу

ўйноқи фавворага етиб келдик. Очиғи, мазза қилиб ҳордик чиқаряпмиз. Шаҳрингизнинг гўзалиги, кўчаларнинг озодалиги, одамларнинг очиқ чехралиги менга жуда ёқади.

Биз яна бироз сұхбатлашдик. Ҳар доимигидек соатимга қардим-у, лол қолдим: 18:53. Ҳашпаш дегунча деярли бир соат ҳам ўтиб кетибди-я. Энди тезроқ азиз гўшам — оиласиз бағрига қайтишим лозим. Чет эллик ҳамсұхбатим билан хайрлашиб, уларга мароқли ҳордик тиладим ва бекат томон йўл олдим. Аста ерости йўлига тушарканман, орта қолаётган ёқимли куй ҳамон эшитилиб турарди...

Бир олам таассуротлар оғушида уйга кириб келарканман, «Она юртим, обод юртим, фахру ифтихоримсан!» деган сўз хаёлимдан кетмасди...

**УмидА ИСМОИЛОВА,
ЎзДЖТУ талабаси**

Сув келтирган элда азиз

Узоқ йиллар бурун ариқ қазишига асқота-
диган асбобларни кўтарганча қирдан
юқорига қараб кетаётган Абдужалил отани
учратиб қолгандим:

— Қайроқибулоқдан сув олиб келишим
керак, — деди. — Эрталаб туриб қазима-
сам бўлмайди, ҳали замон кун қизиб,
тошга оёқ қўйиб бўлмай қолади.

— Қийин эмасми, ахир, йўлда қанча
ўрлар бор, қазиб бўлмайдиган харсанг
тошлар бор. Бир ўзингизга оғирлик
қилмайдими? — дедим қизиқсенини.

— Ҳаммасини ўйлаб қўйганман. Қаловини
топсанг, қор ёнар, деган гап бор, ахир,
дека отахон мамнунлик билан жавоб берди.



Мен унинг миқти, меҳнатда пишган серҳаракат, зуваласи пишиқ жуссасига қараб, бу инсон айтганини кила-
ди, деб ўйлагандим. Адашмаган экан-
ман. Уч километр масоффадан қир ёқалатиб, кубба-кубба қайнаб ётган Қайроқибулоқдан қишлоқка сув олиб
келинди. Ариқ олиб бўлмайдиган жой-
ларга қувур ўрнатилди. Булоқнинг
суви ҳовузга тўпланиб, ариқчаларга
бўлинниб, Бахмалсой қишлоғи аҳоли-
си томорқаларига оқа бошлади. Аб-
дужалил ота ана шу сув йўлида боғ
килди. Унга ўлкамизда ўсадиган бар-
ча мевали дараҳтари ўтқазилди. Бундан чорак аср муқаддам қилин-
ган ишлар ўз самарасини берди. Боғ
баҳор қуёшида яшнаб, ўзининг боғ-
бони — Абдужалил Темуров ҳақида
ҳикоя қилиб тургандек...

Абдужалил ота менга ҳар бир дараҳт, бу ерларда ўсадиган гиёҳлар
ҳақида тўлиб-тошиб сўзлаб бергандиди.
Мен эса, табиатнинг ҳақиқий жонкуя-

рини қўриб, богоғингизнинг иқболини
берсин, дегандим. Йиллар ўтиб, ана
шу боғ гуллаб-яшнаб турганинг гу-
воги бўлдим. Кимки табиатни асрса-
са, ўзини, авлодларини асрраган бўлар
экан, деган хуласага келдим. Уста
боғбоннинг яратган боғини қўриб,
келгуси авлодлар учун ибрат олса
арзийдиган ишлар қилинганига амин
бўлдим. Эзгу ишлар билан ном қол-
диришни ана шундай заҳматкаш
одамлардан ўрганса, арзийди.

Боғбон бобонинг ўн нафар фарзанди,
невара-чеваралари бор. Улар Абду-
жалил отанинг ишлари давомчисидир.
Улар ҳам оталари каби ҳар бир томчи
сувнинг қадрига етадиган, меҳнаткаш
инсонлар бўлиб етишган. Боғбон ота-
нинг боғида мевали дараҳтлар билан
бирга, сайроқи қушлар, ўтлокларида
доривор гиёҳлар, анвойи гуллар бор.
Хонадонларида қалдирғочлар ин курган.

Бахмалсойда ҳаво мусаффо. Тур-
ли-туман мевалар етиштирилади.

Fidoyi insonlar
Пойтахтимиздаги академик лицей ва
қасб-хунар коллежлари ўқувчилари
ўртасида май ойида «Ёшлар ўртасида
ОИВ, ОИТС, гиёҳвандлик ва бошқа
йўллар орқали юқадиган касалликлар-
нинг олдини олиш профилактикаси»
лойиҳаси доирасида мини сессия
ўтказилди. Ушбу мини сессияларда
академик лицей ва қасб-хунар
коллежларидан йигирма нафардан
ўқувчилар иштирокчилари

Ёшлар учун мини сессия

Мини сессия давомида ОИВ, ОИТС, гиёҳвандлик натижасида келиб чиқувчи
хасталиклар, инсоннинг иммун тизими,
руҳиятига қайда даражада таъсир кўрсати-
ши, юқиш йўллари, касаллик белгилари,
оқибати қандай кўнгилсизликларга олиб
келиши ҳақида мутахассислар батафсил
маълумот беришди. Ушбу хасталиклар-
нинг олдини олишда қўлланиладиган
дори-дармонлар, муолажа усуллари
ҳақида ҳам ўқувчи-ёшлар етарили
ахборотга эга бўлди. Мини сессия иштирокчилари
малакали тренерлардан бундай юқум-
ли касалликларнинг келажак авлодга сал-
бий таъсири, инсон зурриёдига хавфи
қанчалик юқори эканлигини янги педа-
гогик технологиялар асосида ташкил этил-
ди. Мини сессия иштирокчиларни билиб
олдилар. Иштирокчилар ўз қизиқишлари-
дан келиб чиқиб, мавзу юзасидан турли
саволларига жавоблар олишди.

Республика ОИТСга қарши кураш
маркази томонидан нашр этилган «ОИВ
инфекцияси тўғрисида нималарни би-
лассиз?» мавзуидаги тарқатма матери-
аллар, иштирокчиларнинг тиббий би-
лимларини аниқлаш мақсадида ўқувчи-
ларга маҳсус тестлар тақдим этилди.

Хайринисо МАҲМУДЖОНОВА

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Ўзбек гимнастикачилари – Осиёда тенгиз!

Пойтахтимизда бадий гимнастика бўйича давом этаган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси жамоавий баҳслар бўйича олтин медални кўлга киритди.

Икки кун давом этган баҳсларда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари — Жамила Раҳматова, Майя Филиппова, Мафтуна Шамсиева ва Валерия Давидова ҳалқа, тўп, булава ва тасмада бажарилган композициялар бўйича энг юқори натижани қайд этди.

— Осиё чемпионатида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кутарилганимиздан хурсандмиз, — дейди М.Шамсиева. — Бундай муваффақиятлар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда биз, ёшлар камолотига қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик, спорт билан шуғуланиб, ўз иқтидоримизни намёён этишимиз учун яратилган кенг имкониятлар туфайлидир.

Спортчиларимиз шарафига давлатимиз байроби кўтарилиб, миллий мадҳиямиз янгради.

Осиё чемпионатининг кумуш медали Жанубий Корея вакилаларига насиб этган бўлса, хитойлик спортчилар бронза медални кўлга киритди.

— Ўзбекистонлик гимнастикачиларнинг машқларини ҳамма катта ҳавас билан кузатмоқда, — дейди япониялик гимнастикачи Руна Ямагучи. — Айниқса, Жамила Раҳматова ва Майя Филиппованинг чикишлари мамлакатингиз спорчиларининг юксак салоҳиятидан далолат берил туребди. Чемпионатга келишдан мақсадим ҳам ўзбек гимнастикачилари билан дўстлашиш ва ўзаро тажриба алмашишдир.

Гурух баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Зарина Курбонова, Луиза Фаниева, Ольга Кирьякова, Марта Растворова, Екатерина Бухенко ва Дарья Свечниковадан иборат гурухнинг булава, тўп ва тасмада бажарган машқлари ҳакамлар томонидан бронза медалга лойиқ топилди.

Хитойлик гимнастикачилар олтин, япониялик спорчилар кумуш медаль билан тақдирланди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири

2013-yil — Ovod turmush yili

Болаларга аталган совфа

Чирчиқда «Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан капитал таъмирланиб, реконструкция қўлинган 14-Мехрибонлик уйи ишга тушди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда «Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси хомийлик кенгаши раиси Л.Каримова-Тиллаева мамлакатимизда болаларнинг замонавий билим олиши, уларни қасбга йўналтириш, ижтимоий мослаштириш ва спорт билан шуғуланиши учун барча шарт-шароит яратилганини таъкидлади.

Ушбу Мехрибонлик уйида 3-15 ёшли 100 нафардан ортиқ бола тарбияланмоқда. Бу ерда уларнинг яшashi ва ўқиши учун зарур шароит яратилган. Кенг ва шинам тураржой, дам олиш хоналари, катта кутубхона, компьютер синфи, спорт мажмуаси, шунингдек, қасбга йўналтириш маркази — болалар ихтиёрида.

Янгича қиёфа қасб этган ва оиласлагидек шароитлар яратилган мазкур Мехрибонлик уйи ота-она меҳридан бебахра болалар учун ҳақиқий совға бўлди.

Таъкидлаш жоизки, «Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси бундай ҳайрли ишларни изчил амалга ошириб келмоқда. Кейинги беш йилда жамғарма томонидан мамлакатимиздаги 18 таълим ва тарбия мусассасида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Ирина ДОЛЕНКО,
ЎЗА мухбири



Sening tengdoshing

Юртимиз ёшларининг ихтиrolari баланд парвозларга шай. Буни яқинда пойтахтимизда якунланган «Йилнинг энг яхши ихтироиси» республика қўрик-танлови ҳам исботлади. Танловда республикамиздаги «Баркамол авлод» болалар марказларида шуғуланаётган ўкувчи-ёшлар ўзлари яратган бир-биридан қизикарли техник конструкциялар: авиа, авто ва робототехника намуналари, электрон ўйинчоқларнинг мини макети ҳамда моделларини намойиш этишди.

Суратдаги тенгдошингиз — Наманганд вилояти Тўракурғон туманинда 4-мактабнинг 7-синф ўкувчилиси Беҳзод Сайфиддинов ҳарбий самолётнинг замонавий моделини ишлаб чиқкан. Танловда у «Энг долзарб лойиха соҳиби» номинациясида голиб бўлди.

Сардор МУЛЛАЖОНОВ
Фотолавҳаси

Ўзбек хапқидочилари

Тошкент ихтисослаширилган хотин-қизлар коллежида «Софлом авлод — келажак пойдевори» номли спорт фестивали бўлиб ўтди. Унга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, ҳалқаро жуткундо федерацияси вакиллари, жаҳон чемпионлари, Шарқ яккакурашлари маркази вакиллари таклиф этилди.

Ушбу спорт байрамида шу йилнинг 30-31 май кунлари «Жар» спорт мажмуасида Шарқ яккакурашларининг моҳир устаси Брюс Ли хотирасига бағишилаб ўтказилган ҳалқаро турнирда комбат-айкидо бўйича 4-ДАН қора белбоғ соҳиби, ҳалқаро тоифадаги спорт устаси, жункундо рефериси, хапқидо жанг санъати вице-прези-

денти Жамшид Қодиров раҳбарлигидаги ёш спортчилар ҳам иштирок этиб, олтин, кумуш медаллар, кубок ва диплом соҳиби бўлган бир гурух истеъододли ўкувчilar рағбатлантирилди.


Шарқ яккакурашлари маркази вице-президенти Бўрон Салаев юртимизда спортга, жумладан, болалар ва хотин-қизлар спорти

ривожига қаратилаётган эътибор ҳақида гапириди.

— Хапқидо — жанговар спорт тури. Мамлакатимизда бу спорт турининг жадал оммалашаётгани фарзандларимизнинг жисмонан соғлом вояга етишига хизмат қилиш билан бирга, улар орасидан ҳалқаро майдонларда Ватанимиз шарафни муносаби ҳимоя қилишга қодир спортчилар етишиб чиқишида муҳим аҳамият касб этмоқда, — деди у.

Фестиваль коллеж гимнастрации қизларининг гўзал машқлари билан янада мазмунли ўтди.

Майсара НАЗАРОВА,
«Turkiston» мухбири



Тузувчи: Фахриддин Раҳимов